

УДК 378.147.88(072)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИ**



**«Магистратура талабаларининг
илмий фаолиятини ташкил этиш
ва бажариш бўйича»**

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2010

Магистратура талабаларининг илмий фаолиятини ташкил этиш ва бажариш бўйича методик қўлланма 5А540514 – Махсус фанларни ўқитиш методикаси (ТСМТ) ва 5А540606 - Махсус фанларни ўқитиш методикаси (ЕСМТ) мутахассисликлари магистрлари учун мўлжалланган. - Т.: ТТЕСИ, 2010, - б.

Мазкур методик қўлланмада илмий-педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятларини ташкил этиш ва уларнинг мазмуни, шунингдек, магистрлик диссертацияларини тайёрлаш тартиби, унинг бажарилиш мазмуни ва унга тегишли материаллар баён этилади. Методик қўлланмадан аспирантлар, магистрлар, методистлар, ўқитувчилар ва малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар: т.ф.д., проф. С.Ш.Ташпулатов,
т.ф.д. Т.Ж.Қодиров,
психол ф.н., доц. М.С.Салаева

Такризчилар: п.ф.н, доц. *О.Қуйсинов*,
п.ф.н, доц. *Х.Абдукаримов*

Масъул муҳаррир: п.ф.д, проф. *Н.А.Муслимов*

Методик қўлланма Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институт Илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган. Баённома № 5 , 28.05.2010 йил.

МУНДАРИЖА

1. Умумий маълумотлар.	4
2. Илмий фаолият юкламасининг семестрлар бўйича тақсимооти.	4
3. Илмий-педагогик фаолиятнинг мазмуни	4
4. Илмий-тадқиқот фаолияти мазмуни.	6
5. Тавсия этиладиган адабиётлар.	11
6. Иловалар.	13

1. Умумий маълумотлар

Илмий фаолият даврининг асосий натижаси ҳисобланган диссертация иши мавзуси ишлаб чиқариш, таълим, иқтисодиёт, фан-техника, шу жумладан, тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларидаги илғор ва долзарб масалаларга бағишланиб, муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлиliga қаратилган бўлиши шарт.

Ҳар бир талабага илмий-тадқиқот, илмий-психологик ва илмий-педагогик йўналишлари бўйича кафедрада яратилган базадан мавзулар тақдим этилади. Шунга биноан, ҳар бир талаба илмий раҳбари билан келишган ҳолда ўзига мавзу танлайди.

5A540514 – Махсус фанларни ўқитиш методикаси (ТСМТ) ва 5A540606 - Махсус фанларни ўқитиш методикаси (ЕСМТ) мутахассисликларида таҳсил олувчи магистрантлар магистрлик диссертацияси учун мавзунини касб-хунар таълимининг долзарб муаммоларидан бирига бағишланадиган, шунингдек, касб-хунар коллежлари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда танлаши лозим. Мавзу танлаб олинган, институт Илмий-услугий Кенгашида муҳокама этилиб, тасдиқланади. Сўнгра магистрант икки йиллик илмий фаолияти бўйича шахсий режа тузиб чиқиши ва шу асосда фаолият юритиши лозим (1-илова).

2. Илмий фаолият юкламасининг семестрлар бўйича тақсимооти

№	Фаолият турлари	Семестрлар бўйича юклама			
		I семестр	II семестр	III семестр	IV семестр
1.	Илмий-педагогик	202	202	136	-
2.	Илмий-тадқиқот	410	410	476	-
3.	Магистрлик диссертациясини тайёрлаш	-	-	-	486
	Жами	612	612	612	486

3. Илмий-педагогик фаолиятнинг мазмуни

Илмий-педагогик фаолият магистратура ўқув жараёнининг муҳим узвий бўлаги бўлиб, унинг **мақсади** олий таълим муассасаси ўқитувчиси сифатида тайёрланаётган магистрантларнинг эгалланган илмий-назарий билимларни бевосита амалий тадбиқ этиб, илғор педагогик технологиялар асосида билим бериш, педагогик маҳоратни эгаллашни таъминлашдан иборат.

Магистрантларнинг илмий-педагогик амалиёт даврида ўзларининг магистрлик диссертацияси мавзусидаги илмий изланишларида педагогик тажриба-синов ишларини ўтказишлари ва олинган натижалар асосида мазмунан бойитишлари ҳам назарда тутилган.

Институтда илмий-педагогик фаолият давомида магистрантларга қуйидаги вазифалар қўйилади ва уларнинг илмий раҳбарлари томонидан бевосита назорат қилинади:

I. Илмий-педагогик фаолиятни бажариш аввалида магистрантлар турли шаклдаги дарсларни таҳлил қилиб ўрганишлари лозим бўлади. Бундан кўзланган мақсад таълим жараёнини амалга оширишнинг янада мукаммал метод ва шакллари ўзлаштириш орқали машғулотлар мазмунини такомиллаштириб боришдан иборат. Илғор тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ қилиш ўқув-тарбиявий жараён самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли магистрантлар ҳар бир таҳлил қилинган машғулотдан ўз билим ва тажрибаларини бойитиш учун фойдаланиши ҳамда уларни оммалаштиришга ҳаракат қилмоғи лозим.

Дарсларни таҳлил қилишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

1. Таълимнинг замонавий муаммолари ечимини ақс эттирувчи ўқув машғулотлари турини танлаш.
2. Дарсни кузатиш жараёнида асосий эътиборни магистрантнинг шахсий тажрибасини оширишга қаратилиши.
3. Бир дарсда аниқланган тажрибани бошқа машғулотларда қайси даражада намоён бўлиши ва ўзига хослигига эътибор қаратиш.

4. Қўлланилаётган метод ва усулларнинг эришилган натижалар билан бевосита узвий боғлиқлик омилларини аниқлаш.

5. Аниқланган амалий тажрибаларини назарий манбалар асосида ўрганиб, уларнинг асосланганлик даражасини белгилаш.

Дарсларни таҳлил қилишда амалий, лаборатория ёки семинар машғулотларидан бири ихтисослик фанларида кўзда тутилмаган бўлса, унинг ўрнига мавжуд бўлган дарс шакли қўшимча таҳлили қилинади.

Дарс таҳлили варақасининг намунаси 2-иловада келтирилган.

**Илмий-педагогик фаолият давомида талабалар томонидан
бажариладиган вазифалар**

№	Бажариладиган иш мазмуни			Вазифа сони	Бажарилиш муддати	Рейтинг баллари
1	Дарс таҳлили	КХК да	Маъруза	5	3-хафтагача	10
Амалий			2			
Лаборатория			4			
Семинар			4			
2	Очиқ дарс ўтиш	КХКда		1	9-хафтагача	15
3	Маънавий-маърифий ишлар	Мураббийлик соати		1	7-хафтагача	5
		Белгиланган гуруҳ билан тадбир ўтказиш		1	8-хафтагача	10
4	Аннотация ёзиш	Илмий методик қўлланма ёки дарслик		1	4-хафтагача	5
5	Такриз тайёрлаш	Илмий журнал мақоласига		1	5-хафтагача	5
		Интернет мақоласига		1	6-хафтагача	5
		Ишчи дастурга		1	7-хафтагача	5
6	Илмий мақола	Нашрга тайёрлаш		1	9-хафтагача	10
		Чоп этириш		1	10-хафтагача	5
7	Магистрлик диссертациясининг режалаштирилган қисмини бажариш	Ҳисобот		1	10-хафтагача	15
8	Электрон ишланма	Мавзу бўйича		1	8-хафтагача	5
9	Илмий-педагогик фаолият ҳисоботи			1	10-хафта якунида	5

4. Илмий-тадқиқот фаолияти мазмуни

Илмий фаолиятнинг I босқичи (I семестр)

Магистратура талабаси илмий фаолиятида танланган магистрлик диссертацияси мавзусини долзарблиги, тадқиқот предмети ва объекти, тадқиқот мақсади ва вазифалари, ўрганилганлик даражасини аниқлаш мақсадида жаҳоннинг ўрганилиши лозим деб топилган илмий йўналишларда эришилган ютуқлар, муаммолар ҳақида маълумотлар тўплайди.

Етарли даражада йиғилган натижалар асосида магистратура талабаси диссертация ишини адабиётлар таҳлили қисмини илмий фаолиятнинг I босқичида расмийлаштириши шарт.

Талаба илмий фаолиятнинг I босқичи юзасидан бажарилган ишлари юзасидан I семестр давомида икки маротаба кафедра йиғилишида муҳокама қилинади. Кафедра йиғилиши қарорига биноан, ҳар бир магистратура талабаси семестр якунида ҳар бир магистратура талабаси илмий фаолиятнинг I босқичи натижалари бўйича магистратура бўлими томонидан талаба, унинг илмий раҳбари (маслаҳатчи), кафедра мудири иштирокида оммавий тарзда бажарилган ишлари бўйича ҳисоботи эшитилиб, аттестацияланади. Талаба аттестацияга диссертация ишининг адабиётлар таҳлили қисмини тўлиқ расмийлаштирган ва бошланғич материалларни аттестациялаш ҳайъатига тақдим этиши лозим.

АДАБИЁТ ШАРҲИ бобида талаба берилган муаммонинг замонавий ҳолати (икки уч қисмдан иборат бўлиши мумкин) 15-20 бет атрофида бўлиши тавсия этилади.

Магистрлик диссертациясини адабиётлар таҳлили тайёрлаш талабалар жараёнида талабалар:

- илмий-тадқиқот изланишлар олиб бориши, касбий муаммоларни кўра олиши ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўлларини ўрганиши:
- илимий фаолият даври давомида олинган ахборотларни маълумот ва натижалар шаклида мужассамлаштира олиши:

- танланган мавзунинг долзарблигини асослаши;
- касб-хунар таълими бўйича ечилаётган илмий–услубий, психологик-педагогик йўналишлардаги муаммо ҳолатини таҳлил қилиш;
- илмий-назарий, илмий-услубий ва психологик-педагогик талабларни шакллантириши, қўйилган масалани ечиш усулларини кўриб чиқиши ва энг самарасини аниқлаши;
- касб-хунар таълимидаги мавжуд муаммоларнинг энг самарали, муқобил ечимини илмий, психологик, педагогик ва иқтисодий жиҳатдан асослаб бериши ҳамда унга танқидий ёндашиши;
- энг самарали, муқобил ечимнинг давлат грантлари доирасида тадқиқ қилиши;
- касб-хунар таълимидаги илмий-назарий, илмий-услубий ва психологик-педагогик масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантириши ҳамда касбий таълимнинг тегишли ихтисосликларида қўллаш имкониятини аниқлаши лозим.

Адабиётлар шарҳида мавзу ва қўйилган масалалардан келиб чиқиб, адабиёт шарҳи берилади. Унинг асосий мақсади қўйилган масала қай даражада ўрганилганлигини аниқлашдан иборатдир.

Магистрант илмий-тадқиқот манбааларини ўрганаётганда қайси муаммо ҳал этилганлиги ёки ечилмаганлиги, ҳамда нимани янгидан ўрганиш кераклигини топмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир манбаага магистрант илмий-ижодий ва танқидий ёндашмоғи керак.

Илмий-техник масалани ҳал қилишда:

- танланган мавзунинг долзарблигини асослаш;
- ҳал қилинадиган муаммонинг адабий шарҳ асосида таҳлил қилиш;
- илмий-назарий, илмий-услубий ва психологик-педагогик талабларни шакллантириш, мазкур муаммони ечиш учун танланган метод ва усуллари кўриб чиқиш ва оптимал вариантини танлаш;
- танланган метод ва усуллар асосида тадқиқот натижаларида олинган натижаларнинг ишончлилигини илмий асослаш;

- танланган метод ва усулларнинг оптимал вариантыни давлат гранти доирасида тадқиқ этиш;

- илмий-назарий, илмий-услубий ва психологик-педагогик масалаларни ҳал қилиш натижаларига кўра хулоса ва таклифлар бериш ва тегишли соҳаларда тадқиқ этилиш имкониятларини аниқлаш каби хусусиятлар инобатга олиниши керак.

Адабиёт шарҳи натижасида диссертация иши мақсади ва вазифалари қайта аниқланади. Шунингдек, тўпланган назарий материаллар ва танқидий ёндашувларга таяниб, мавзунинг долзарблиги асосланиб, пировард мақсад ва вазифалар белгиланади.

Аттестациялаш фоизда, яъни максимал 25 % микдорида белгиланиб қайд этилади. Аттестациядан ўтган талаба магистратура бўлимига илмий фаолиятнинг I босқичи юзасидан ёзма равишда ҳисоботни ўқув йилининг II семестри бошлангунга қадар топшириши тавсия этилади.

Илмий фаолиятнинг II босқичи (II семестр)

Илмий фаолиятнинг II босқичида магистратура талабаси тадқиқот предмети, тадқиқот объекти ва тадқиқот услубларини танлаши лозим

Илмий фаолиятнинг II босқичи талаба диссертациянинг асосий қисми бўлиб, унда назарий ва амалий масалалар ёритилади. Қўлланиладиган материаллар услубият, аппаратура, ускуналар, тизимлар асосланиб батафсил ёритилади.

Дастлабки ахборот натижалари келтирилиб ўрганилган манбаалардаги маълумотлар билан қиёсланиб таҳлил қилинади ёки бутунлай янги натижалар (янгиликлар) олинганлиги таъкидланади.

Илмий фаолиятнинг II босқичи асосий натижаси бўлган диссертация ишининг экспериментал қисми тадқиқот объекти ва предмети ва экспериментал услубларини танлаш ва асослаш қаратилган бўлиб, ишнинг ҳажми 5-10 бет атрофида бўлиши керак.

Талаба илмий фаолиятнинг II босқичи юзасидан бажарилганишлари юзасидан II семестр давомида икки маротаба кафедра йиғилишида муҳокама қилинади. Кафедра йиғилиши қарорига биноан, ҳар бир магистратура талабаси семестр якунида ҳар бир магистратура талабаси илмий фаолиятнинг II босқичи натижалари бўйича магистратура бўлими томонидан талаба, унинг илмий раҳбари (маслаҳатчи), кафедра мудири иштирокида оммавий тарзда бажарилган ишлари бўйича ҳисоботи эшитилиб, аттестацияланади. Талаба аттестацияга диссертация ишининг экспериментал қисмини тўлиқ расмийлаштирган ва бошланғич материалларни аттестациялаш ҳайъатига тақдим этиши лозим.

Аттестациялаш фоизда, яъни максимал 50 % миқдорида белгиланиб қайд этилади. Аттестациядан ўтган талаба магистратура бўлимига илмий фаолиятнинг II босқичи юзасидан ёзма равишда ҳисоботни ўқув йилининг III семестри бошлангунга қадар топшириши тавсия этилади.

Илмий фаолиятнинг III босқичи (III семестр)

Магистратура талабаси Илмий фаолиятнинг III босқичида Дастлаб белгиланган дастур асосида тажрибалар, синонлар, кузатув ишлари, тадқиқотнинг бошқа турлари аниқ режага биноан стандарт ёки ностандарт усулда ўтказилганлиги баён этилади. Дастлабки натижаларни қайта ишлаш стандарт ёки ностандарт усулларда математик статистика қоидаларига риоя қилиниб, компьютерда бажарилиши тавсия этилади.

Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси математик статистика мезонлари билан кафолатланади.

Омиллар, натижалар орасидаги боғланиш қонуниятлари классик усуллардан ёки компьютердаги дастурлардан фойдаланиб тузилади ва экспериментал (тажриба) натижалари назарий қонуниятлар билан таққосланиб таҳлил қилинади. Улар асосида тегишли ўрганилаётган объект, жараён, маҳсулот сифати, услубиятлар бўйича хулосалар чиқарилади.

Натижалар, график ва жадваллар Давлат стандартлари талаблари ва қоидаларига риоя этган ҳолда расмийлаштирилади.

Магистратура талабаси Илмий фаолиятнинг III босқичида диссертация ишининг олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси боби:

- тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш; тадқиқот жараёнларни изоҳлаш; ва экспериментал қурилма, технологик схемаларни таклиф этиш (3-5 қисм, бўлим ёки параграфлардан иборат бўлиши мумкин) 30-35 бетни ташкил этиши лозим

Талаба илмий фаолиятнинг III босқичи юзасидан бажарилганишлари юзасидан III семестр давомида икки маротаба кафедра йиғилишида муҳокама қилинади. Кафедра йиғилиши қарорига биноан, ҳар бир магистратура талабаси семестр якунида ҳар бир магистратура талабаси илмий фаолиятнинг III босқичи натижалари бўйича магистратура бўлими томонидан талаба, унинг илмий раҳбари (маслаҳатчи), кафедра мудири иштирокида оммавий тарзда бажарилган ишлари бўйича ҳисоботи эшитилиб, аттестацияланади. Талаба аттестацияга диссертация ишининг экспериментал қисмини тўлиқ расмийлаштирган ва бошланғич материалларни аттестациялаш ҳайъатига тақдим этиши лозим.

Аттестациялаш фоизда, яъни максимал 50 % миқдорида белгиланиб қайд этилади. Аттестациядан ўтган талаба магистратура бўлимига илмий фаолиятнинг III босқичи юзасидан ёзма равишда ҳисоботни ўқув йилининг IV семестри бошлангунга қадар топшириши тавсия этилади.

Илмий фаолиятнинг IV босқичи (IV семестр)

Магистратура талабаси илмий фаолиятнинг IV босқичида мавзусига оид материалларни ўрганиш, олинган натижалари ҳамда ортирган Амалий кўникмалари асосида лозим топилса, диссертация ишининг кириш қисмининг айрим жойларини ўзгартириши мумкин. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий

янгилиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, натижаларнинг ҳаққонийлиги (экспериментал услублар) ва муқобиллиги (натижаларга статистик ишлов бериш), тадқиқот объекти, предмети, амалий аҳамияти ҳамда диссертация ишининг ҳажми ва структураси кетирилади (3 илова) 4-6 бет.

Шу жумладан, диссертация ишининг хулоса қисми ҳам расмийлаштирилади. Диссертация ишида алоҳида боблар ҳам хулоса ва тақлифлар билан якунланади, лекин унинг асосийлари ишнинг «хулоса» бўлимида жамланади. Бунда диссертация ишининг «Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси» бобидаги асосланган илмий янгилик ва ютуқлар аниқ ва рашан ёритилиши лозим.

Илмий фаолиятнинг IV босқичида магистратура талабаси диссертация ишини расмийлаштиради.

Магистрлик диссертациясининг умумий ҳажми 60-80 варақ матндан (иловалардан ташқари) иборат бўлиб, A4 (21x29) формат қоғозга компьтерда компьютарда 1,5 интервалда, Times New Roman, 14 шрифтида ёзилган бўлиши шарт. Матннинг чап томони 30 мм, юқори томони 2,5 мм, ўнг томони 1,5 мм ва қуйи томонида 2,5 мм бўш майдон бўлиши керак.

Бетнинг тартиб рақами саҳифанинг ости ўртасига қўйилади.

Диссертация ишининг иловасида магистрант томонидан бажарилган илмий–тадқиқот ишларининг дастлабки, бошланғич маълумотлар, автоматик лаборатория асбоб-ускуналарнинг анализлари, диаграммалари, спектрлари, қўшимча ва ёрдамчи материаллар, синов, қўлланилиш, татбиқ этиш далолатномалари, коллекция, кўргазма (видео) фотоматериаллари чоп этирилган илмий мақола ёки тезислар тўпламларининг ксеронусхалари ва шунга ўхшаш материаллар келтирилади.

Шу билан биргаликда, магистратура талабаси илмий фаолиятнинг IV босқичида магистрлик диссертацияси ҳимоя қилишга топширилаётганда авторефератнинг тайёрланади.

Талаба илмий фаолиятнинг IV босқичи юзасидан бажарилганишлари юзасидан IV семестр давомида икки маротаба кафедра йиғилишида муҳокама

килинади. Кафедра йиғилиши қарорига биноан, ҳар бир магистратура талабаси семестр якунида ҳар бир магистратура талабаси илмий фаолиятнинг IV босқичи натижалари бўйича магистратура бўлими томонидан талаба, унинг илмий раҳбари (маслаҳатчи), кафедра мудир иштирокида оммавий тарзда бажарилган ишлари бўйича ҳисоботи эшитилиб, аттестацияланади. Талаба аттестацияга диссертация ишининг экспериментал қисмини тўлиқ расмийлаштирган ва бошланғич материалларни аттестациялаш ҳайъатига тақдим этиши лозим.

Аттестациялаш фоизда, яъни максимал 50 % миқдорида белгиланиб қайд этилади. Аттестациядан ўтган талаба магистратура бўлимига илмий фаолиятнинг IV босқичи юзасидан ёзма равишда ҳисоботни ўқув йилининг якунига қадар топшириши тавсия этилади.

Ёзма равишда илмий фаолият ҳисоботини топширмаган магистратура талабаси ўрнатилган тартибга биноан барча фанлар каби академик қарздор ҳисобланади.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси / Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. –Т.: Ўзбекистон. 1992-49 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарк нашриёт матбаа-концерни. 1997. –Б.20-29.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.:Шарк нашриёт матбаа-концерни.1997. Б.-31-61.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасасаларида битирув малакавий ишини тайёрлаш тартиби ҳақида НИЗОМ. - Т.: 2008. – 20 б.
5. Ўзбекистон Давлат стандарти. Ўзбекистон узлуксиз таълими Давлат стандартлари тизими. Олий таълим. 5140900 – Касб таълими йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар. - Т.: 2008. – 25 б.
6. Аристер Н.И., Загузов Н.И. Процедура подготовки и защиты диссертаций. - М.: АОЗТ "ИКАР", 1995.
7. Бурдин К.С., Веселов П.В. Как оформить научную работу. - М.: Высшая школа, 1973.
8. Кузин Ф.А. Магистерская диссертация. Методика написания и правила оформления. - М.: МАМАРМЕН, 1993.
9. Кузин Ф.А. Дипломная работа. - М.: Изд-во МПИ, 1990.
10. Логика научного исследования. - М.: Наука, 1965.
11. Методологические проблемы современной науки. - М.: Политиздат, 1979.
12. О порядке подготовки заключения УМО при введении магистерских профессиональных образовательных программ. - Письмо Госкомвуза России от 23.09.94 № 10-36-322ин/12.

- 13.Отчет о научно-исследовательской работе. Общие требования и правила оформления. ГОСТ 7.32.81. - Введ. 01.01.82. - М.: 1981.
- 14.Рузавин Г.И. Методы научного исследования. - М.: Мысль,1974.
- 15.Соловьев В.И. Гносеологические и психологические аспекты реферирования // Изд. дело. Книговедение. ЦБНТИ печати, 1971, № 7.
- 16.Соловьев В.И. О функциональных свойствах автореферата диссертации и особенности его составления // Научно-техническая информация. - 1981. - Сер. 1, 1981 № 6.
- 17.Швырев В.С. Научное познание как деятельность.- М., 1984.
- 18.www.ppf.uni.udm.ru
- 19.www.talant.spb.ru/wald.html
- 20.www.school.edu.ru.
- 21.[www.inter – pedagogika. ru](http://www.inter-pedagogika.ru).
- 22.[www. ppsy.ru](http://www.ppsy.ru).
- 23.www.wings.ru
- 24.www.ppf.uni.udm.ru
- 25.www.search.re.uz - Ўзбекистоннинг ахборотларни излаб топиш тизими.
- 26.www.ictcouncil.gov.uz -Компьютерлаштиришни ривожлантириш бўйича Вазирлар Махкамаси мувоффиқлаштирувчи Кенгашининг сайти
- 27.www.ecsoman.edu.ru - Россия Федерация олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув-услугий комплекслар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Магистратура бўлими бошлиғи

«_____» _____ 201 йил

МАГИСТРАНТ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ
ШАХСИЙ ИШ РЕЖАСИ

_____ гуруҳи магистранти _____
(фамилияси, исми-шарифи)

Кафедра _____
(номи)

Мутахассислик _____
(шифри ва номи)

Диссертация мавзуси _____

Илмий раҳбар _____
(илмий даражаси, унвони, фамилияси, исми-шарифи)

Илмий маслаҳатчи _____
(илмий даражаси, унвони, фамилияси, исми-шарифи)

Илмий фаолиятни бажариш муддати _____

«КЕЛИШИЛДИ»
_____ факультет декани

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
_____ магистратура
бўлими бошлиғи

«___» _____ 201 йил

«___» _____ 201 йил

ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА УМУМИЙ РЕЖА

1. Диссертация мавзуси, илмий раҳбар ва маслаҳатчилар _____

кафедра мажлисида муҳокама қилиниб, тасдиқлашга тавсия этилган
«___» _____ 201 й. Баённома _____.

Факультет илмий-услубий кенгашида, тасдиқланган
«___» _____ 201 й. Баённома _____.

2. Ўқув режаси бўйича илмий фаолиятни ишлаб чиқариш корхоналари ва
илмий-тадқиқот муассасаларида ўтиш муддатлари:

Бошланиши «___» _____ 201 й.

Тугатиш «___» _____ 201 й.

3. Диссертацияни тайёрлаш муддати: «___» _____ 201 й.

4. Диссертацияни ҳимоя қилиш муддати: «___» _____ 201 й.

Кафедра мудири _____
(имзо) (фамилияси, исми-шарифи)

Илмий раҳбар _____
(имзо) (фамилияси, исми-шарифи)

Магистрант _____
(имзо) (фамилияси, исми-шарифи)

ДИССЕРТАЦИЯ МАВЗУСИ БЎЙИЧА
МАЪЛУМОТ

1. Долзарблиги _____

2. Илмий-тадқиқот, илмий-технологик ва илмий-конструктив лойиҳалаш
йўналишлари _____

3. Илмий-амалий ва назарий йўналиши _____

4. Иқтисодий, экологик ва ҳаёт ҳавфсизлиги йўналиши _____

5. Натижаларни чоп қилиш _____

Илмий раҳбар _____
(фамилияси, исми-шарифи)

Магистрант _____
(фамилияси, исми-шарифи)

«Тасдиқлайман»

_____кафедра муdiri

(фамилияси, исми-шарифи)

_____ «__» _____ 201 й
(имзо)

Илмий фаолиятни бажариш режаси

	Илмий фаолият босқичларини номи	Илмий фаолият қисмларини қисқача мазмун	муддати		Ўтиш жойи	Бажариш белгиси (рейтинги), кафедра ва илмий рахбар хулосаси
			бошланиши	тугаши		
1	Магистрлик диссертацияси устида ишлаш					
1.1	Диссертация мавзусини танлаш ва асослаш					
1.2	Адабиётлар бўйича маълумотларни тўплаш					
1.3	Илмий ишларни бажариш -тажрибавий -амалий -назарий					
1.4	Иқтисодий ва экологик босқич					

1.5	Хулоса ва тавсиялар					
1.6	Диссертация ишини расмийлаштириш ва ҳимояга тайёргарлик					
2	Илмий фаолият натижаларини муҳокамаси					
2.1	Кафедра илмий семинарида маърузалар қилиш					
2.2	Илмий конференцияларда маъруза қилиш					
2.3	Илмий фаолият қисмлари бўйича ҳисоботлар бериш					
3	Илмий фаолият бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот муассасалари билан алоқалар					

3.1	Ишлаб чиқариш корхоналари технология ва техникаси ҳолатини ўрганиш ва тадқиқотларни таҳлил қилиш					
3.2	Илмий тадқиқот муассасаларида тажрибаларни ўтказиш ва назарий тадқиқотлар олиб бориш					
3.3	Илмий фаолият натижаларни ишлаб чиқаришда синовдан ўтказиш, апробация ёки тадбиқ қилиш					
3.4	Илмий фаолият натижаларини ўқув жараёнига тадбиғи					
4	Илмий – педагогик ва услубий босқич					
4.1	Олий таълим меъёрий хужжатларни ўрганиш					
4.2	Кафедра илмий, услубий семинарларида иштирок этиш					

4.3	Ўқитувчилар дарсига кириш					
4.4	Намунавий (очик) дарс ўтиб бериш					
5	Илмий фаолият натижаларини чоп қилиш					
5.1	Илмий мақолалар чоп қилиш					
5.2	Маъруза тезисларни чоп қилиш					
5.3	Натижаларни ихтиро ва патентлар сифатида рас- мийлаштириш					
6	Илмий фаолиятда ахборот технологиялари, интернет тармоғи ва илғор педагогик технологиялар- дан фойдаланиш					

Кафедра мудири _____
(имзо) (фамилияси, исми-шарифи)

Илмий раҳбар _____
(имзо) (фамилияси, исми-шарифи)

Илмий маслаҳатчи _____
(имзо) (фамилияси, исми-шарифи)

Магистрант _____
(имзо) (фамилияси, исми-шарифи)

Илова:

Магистрантнинг илмий фаолияти бўйича умумий талаблари

1. Илмий фаолият блоки талаблари:

Илмий тадқиқот ишлари:

- мустақил илмий фаолиятни амалий кўникмаларини шакллантириш;
- замонавий ахборот технологияларнинг воситаларини қўллаб илмий ишларни ёзиш ва чоп қилиш билим ва кўникмаларни шакллантириш;
- янги техника, технология илм ютуқларини ўрганиш ва магистрлик диссертациясини бажариш.

Илмий педагогик фаолият:

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаб ўқув-тарбиявий ишларни фаоллаштириш кўникмаларни шакллантириш;
- ўқув жараёнининг илмий-услубий томондан таъминлашни ташкил қилиш билим ва кўникмаларни шакллантириш.

магистрлик диссертацияси талаблари:

- долзарб муаммолари тегишли соҳанинг (йўналиш) бўйича илмий, илмий-услубий (педагогик), илмий-техник (технологик) масалаларини ечишга йўналтирилиши;
- замонавий техника, технологик, илм-фан иқтисодий ривожланиш даражасига мос равишда олиб борилиши;
- мустақил равишда илмий изланишлар олиб бориши, касбий муаммолар бўйича масалаларни еча олиши, илмий натижаларни таҳлил, хулоса қилиш.
- тегишли мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрлаш Давлат таълим стандартлари асосида тузилади.

2. Илмий фаолият мазмуни:

илмий-тадқиқот фаолиятининг мазмуни:

- танланган мавзу бўйича мавжуд тўпланган илмий материалларни таҳлил қилиш ва илмий изланишлар йўналишларини аниқлаш;
- илмий изланишларни назарий қисмини бажариш;
- танланган мавзу бўйича амалий ҳисоб ишларини бажариш, тегишли параметрларни асослаш;
- тажрибавий изланишларни амалга ошириш ва назарий натижалар билан таққослаш;
- тавсиялар бериш.

Илмий-педагогик фаолият мазмуни:

- олий таълим меъёрий ҳужжатлар билан танишиш;
- ўқув жараёни ва уни услубий таъминотини билиш;
- тажрибали ўқитувчилар дарсига қатнашиш ва тажриба орттириш;
- танланган мавзу бўйича очиқ дарс ўтиш;
- педагогик технологиялар, рейтинг тизимини ўзлаштириш;
- таълим-тарбия ишларини олиб бориш;

Магистрлик диссертация мазмуни:

- мавзунини танлаш ва асослаш;
- адабиётлар бўйича маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;
- илмий изланишлар масалаларини қўйиш;
- илмий изланишларни амалга ошириш (назарий, амалий, тажрибавий, услубий, иқтисодий ва бошқалар);
- илмий натижаларнинг таҳлили ва хулосалар қилиш.

Ушбу «Магистрант илмий фаолияти шахсий иш режаси» ТТЕСИ Илмий- услубий кенгашида муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

ТТЕСИ _____ факультети II босқич
магистранти _____ нинг

ДАРС ТАҲЛИЛИ ВАРАҚАСИ

1. Таълим муассасасининг номи _____
2. Таҳлил ўтказилган сана _____
3. Фан номи _____
4. Фан ўқитувчиси _____
5. Дарс шакли _____
6. Дарс мавзуси _____
7. Дарс ташкилий қисм _____
8. Дарснинг кириш қисми: _____
9. Дарснинг асосий қисми: _____
10. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш _____
11. Дарсда қўлланилган методлар: _____
12. Дарсда фойдаланилган жиҳозлар: _____
13. Талабаларни баҳолаш тартиби _____
14. Дарснинг ўзига хослиги _____
15. Хулоса _____

Фан ўқитувчисининг имзоси _____

ОТМ декан муовини

(КХК директорининг ўқув ишлари
бўйича ўринбосари) _____

(Ф.И.Ш., имзо, муҳр)

3-илова

1-МАВЗУ:

**Ўқув машғулотини олиб бориш технологияси
(Маъруза 2-соат)**

<i>Машғулот вақти:</i>	<i>Талабалар сони:</i>
<i>Машғулот шакли</i>	
<i>Маъруза режаси</i>	
<i>Ўқув мақсадлари:</i>	Таълимий: Тарбиявий: Ривожлантирувчи:
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
-	-
-	-
-	-
Таълим методлари ва техникаси	
Таълим воситалари	
Таълим шакллари	
Таълим шароити	
Мониторинг ва баҳолаш	

Ўқув машгулотининг технологик харитаси

Иш жараёнлари вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Фанга ва мавзуга кириш (5- минут)	1.1.	1.1.
2-босқич. Фаоллаштириш бўлими (билимларини шакллантириш) (15минут)	2.1.	2.1.
	2.2.	2.2.
	2.3.	2.3.
3-босқич. Ахборот бўлими (50-минут)	3.1.	3.1.
	3.2.	3.2.
	3.3.	3.3.
	3.4.	3.4.
4-босқич. Якуний босқич (10 минут)	4.1.	4.1.
	4.2.	4.2.

5A540514 – МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ (ТСМТ) ВА
5A540606 - МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ (ЕСМТ)
МУТАХАССИСЛИКЛАРИ МАГИСТРАРИ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН

Магистратура талабаларининг илмий фаолиятини ташкил этиш ва бажариш бўйича методик кўрсатма

© Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
Тошкент, Яккасарой тумани Шохжаҳон кўчаси 5-уй
Телефон: 253-06-06 • Факс: 253-17-36